

# **ТЕРМИЗ ТУМАН АҲОЛИСИГА МУРОЖААТ**



**Термиз тумани ҳокими Шуҳратжон Бекмаҳматовиҷ Үриновнинг  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан  
мамлакатимизни янада яшил оламга айлантириш, иқлимни  
мўтадиллаштириб, фуқаролар саломатлигини табиатнинг мусаффи  
инъомлари билан асраб-авайлашга қаратилган - “Яшил макон”  
умуммиллий лойиҳаси доирасида эълон қилинган “Долзарб 40 кунлик”да  
ҳар бир ватандошимизнинг мевали ва манзарали дараҳт кўчатларини  
экиш, парваришлишда фаол иштирок этишларига қаратилган**

**ТЕРМИЗ ТУМАН АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ**

**Ассалому алайкум!**

**Ҳурматли воҳадошлар ҳамда туманимиз аҳли!**

Аввало, атроф-муҳит, табиат мусаффи, кўча ва ҳиёбонларимиз яшил маконга айлансанагина, инсон тетик ва соғлом, кундалик юмуши ва фаолиятида файзу-барака бўлади.

Сайёрамизда экологик вазиятнинг бузилишига, мамлакат фуқароларининг саломатлигини, ҳар бир хонадонларимизнинг кўркамлигини оширишга бефарқ бўлмаган Муҳтарам Президентимиз жорий йил 2 ноябр куни аҳолини уй-жой билан таъминлаш ҳамда яшил майдонларни кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказган йиғилишларида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича долзарб вазифаларни белгилаб бердилар.

Ушбу лойиҳа ижросини таъминлаш баробарида 2 ноябрдан 10 декабрга қадар мамлакатимиз бўйлаб дараҳт экиш, юртимизни боғ-роғга айлантириш бўйича “Долзарб 40 кунлик” эълон қилиниб, ушбу лойиҳа доирасида йилига бир миллиондан ортиқ дараҳт ва бута кўчатларини экишни олдимизга мақсад қилиб олдик.

Айни кунларда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини тадбиқ этиш мақсадида туманимизда ҳам самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг куз ва 2022 йилнинг баҳор мавсумларида кўкаламзорлаштириш, мевали дaraohт ва бута кўчатларини экиш ишларини тизимли, уюшқоқлик билан ташкил қилиш бўйича режа-тадбирларни белгилаб олдик.

Жорий йилнинг ноябр-декабр ойларида **403,0 минг** туп, 2022 йил баҳор мавсумида **663,0 минг** туп, жами лойиҳа доирасида **1 миллион 66 минг туп** кўчат экишни режалаштирганмиз. Бугунги кунгача “Долзарб 40 кунлик”да **302 мингдан** ортиқ кўчатлар экилди. Шундан умумфойдаланишдаги автомобил йўллари ёқасига **3 минг** туп, қишлоқ хўжалиги ерларида ихота дaraohтзорлар барпо этиладиган ерларда **94 минг** туп, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар ҳовлиларига ва ички йўллар ёқаларига **200 минг** туп, туман ободонлаштириш бошқармаси тасарруфидаги ҳудудларга **5 минг** туп турли дaraohт ва бута кўчатлари экилди.

Туман марказида экилган дaraohт кўчатларини суғориш учун тизимли равища суғориш тизимларини тортиш ишлари амалга оширилди. Бунда туман марказига экилган дaraohт кўчатларини суғориш тизимлари билан таъминланишига эришилди. Бошқа ҳудудлардаги кўчатларни суғориш мақсадида сув ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда сувни режали тартибда тақсимлаш белгиланди.

Ишни сифатли ва самарали олиб бориш мақсадида мутахассисларни жалб қилган ҳолда кўчат ҳамда қаламчаларни етказиб бериш, экиш ишларини мувофиқлаштирувчи туман ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳи бевосита кўчатларни экиш ва йил давомида тўлиқ униб чиқиши ва парвариш қилишни назорат қилиб боради. Суғориш ишлари юзасидан муаммоларни бартараф этиш чораларини кўради. Пайҳон қилинишидан асрашда ташабbus кўрсатади, масъулларни ҳамда аҳолини дахлдорлик тушунчасини оширади.

Айни кунда Экология ва атроф мұхитни мұхофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман инспексияси, тегишли корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкилот, корхона ва муассасалар, маҳаллалар, қишлоқлар, аҳоли яшаш манзиллари, ҳовлилари атрофи, ҳиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонларга, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларида, ҳамда ўрмон фонди ерларида манзарали дaraohtlар ва бута кўчатларини экиш тадбирлари жадал давом эттирилмоқда.

Мұхтарам Президентимизнинг бу ташабbusлари фарзандларимиз ва кенг жамоатчиликнинг атроф мұхитга бўлган меҳр-муҳаббатини янада оширишига ишонаман.

## **Мұхтарам нуронийлар, отахон ва онахонлар!**

Сизлар күпни күрган, бой ҳаётій тажрибага эга бўлган пиру бадавлатларимизсиз. Ҳамма вақт хайрли ва савобли ишларда ўз ўгитингиз ва маслаҳатларингиз билан элимизга, хусусан, ёшларимизга ҳам ибрат, ҳам бошқош бўлиб келгансиз. Ўйлаймизки, бу файзли тадбирда ҳам шахсий намунангизни, тажриба ва маҳоратингизни дариғ тутмайсиз.

## **Қадрли ёшлар, қалби олов йигит-қизлар!**

Сизлар Термиз тумани истиқболининг эгаларисиз. Президентимиз ташаббуслари қаноти остида зўр ғайрат-шижоат билан жўшқин меҳнат қилсангиз, келажакда ўзингиз орзу қилгандек, жаҳонда номдор, тараққий этган Янги Ўзбекистонни барпо этишга катта ҳисса қўшган бўласиз. Энг муҳими, Сиз халқимиз ишонган катта кучсиз. Шундай экан, жонажон Ватанимизни яшил маконга айлантириш кўп жиҳатдан Сизга, сизнинг маъсулиятингизга боғлиқ эканлигини унутманг!

## **Ҳурматли маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасалар, худудлар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркорлар, боғбон-у соҳибкорлар!**

Халқимизда “Яхшидан боғ қолади...”, “Бирни кессанг, ўнни эк” деган нақллар бор. Бу ҳикматлар замирида катта маъно ва моҳият мужассам эканлигини яхши биласиз. Чунки ўз худудингизда мавжуд дов-дараҳтларга ишлов бериш, хатосини тўлдириш, манзарали ва мевали дараҳт ҳамда бута кўчатлари экиб, янги яшил қаторларни шакллантириш асосан сизнинг салоҳиятингиз, ташкилотчилигингиз билан амалга оширилади.

Шунинг учун бутун аҳолини, хусусан, меҳнат жамоаларини умумхалқ ҳашарига жалб этган ҳолда кўкаламзорлаштириш ишларининг маромида, сифатли амалга оширилишига бош-қош бўлиш зиммангиздаги асосий вазифадир.

## **Азиз юртдошлар, туманимизнинг танти ва меҳнаткаш аҳолиси!**

Мамлакатимиз аҳолиси ҳамда ташаббускор ёшлар қалбida табиатни асраб-авайлашга, меҳнатга бўлган муҳаббатни янада оширган ушбу “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси бутун дунё халқарини сергакликка чорлаши, дунёда экологик вазиятни барқарорлаштириш, инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш энг долзарб ва аҳамиятли вазифаларимиздан биридир.

Она ватанимиз эса мана шундай гўзал яшил маконлари, виқорли тоғлари, табиати, шириндан-шакар мевалари, гўзал боғлари, ҳароратли қуёшли тафти, меҳнаткаш, бағри кенг, сахийликда тенги йўқ халқи билан дунё халқлари эътирофида эканлиги билан ҳақли равишда фаҳранамиз.

Зеро шундай экан, уй-жойларимизни, кўча ва ҳиёбонларимизни янада обод, кўркам қилиш, экологияни асраб авайлашга қаратилган, умуммиллий лойиҳа доирасида халқимизни бирлаштирган муҳим “Долзарб 40 кун”ликда Термиз тумани аҳолисини ўзининг яшаш жойидаги худудларни яшил оламга айланишига ўз ҳиссаларини қўшишга чорлайман!

**Ватанимиз тинч, осмонимиз мусафро, табиатимиз эса доимо яшиликка буркансин азизлар.**